O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 8 январь, № 5 (4415) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

## БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида:

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини 2008 йилнинг 1 апрелигача ишлаб чиқсин ва уни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республикадаги мавжуд барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларнинг ҳолатини танқидий баҳолаш орқали бугунги кун талабларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш;

ушбу мактабларни янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар томонлама асосланган хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли ва ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, энг камида биттадан замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатишини кўзда тутиш;

янгитдан қуриладиган, тўлиқ реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари биноларининг уч хилдаги намунавий (типовой) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бу борада ҳудудлардаги мавжуд бўш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, тегишли жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мақсадида экспертиза хулосаларини тайёрлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини замонавий ўқув ва мусиқа анжомлари билан таъминлашни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа фани бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарсликлар ва методик қўлланмаларни замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, соҳа учун ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш.

3. Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат бюджети, ҳомийлар, чет эл грантлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

4. Мусиқа ва санъат мактабларида олиб бориладиган қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш вазифаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси зиммасига юклатилсин ва шу мақсадда мазкур Жамғарма низомига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тақдим этилган таклифларга биноан, олий таълим муассасаларига мусиқа йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 январь

Жараён



## МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

***Пахта — халқимизнинг фахр-ифтихори, ризқ-рўзимиз манбаи. Шу билан бирга, пахтачилик мамлакатимиз иқтисодиётида энг йирик тармоқ бўлиб, у ўзида улкан агросаноат мажмуасини бирлаштирган.***

*Хусусан, илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиаллари, синов-тажриба станциялари, пахта тозалаш ва қайта ишлаш заводлари, енгил саноат корхоналари, биржа ва ташқи савдо ташкилотлари шулар сирасига киради. Шу боис, ҳукуматимиз томонидан бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламлиислоҳотлар олиб борилмоқда. Айниқса, селекциячи олимлар томонидан яратилган ғўзанинг тезпишар, тола чиқиши 40 фоизгача бўлган навларини районлаштириш жорий этилгани амалда ўз самарасини бераётир.*

*Деҳқончилик маданиятидан маълумки, уруғ сифати мўл ҳосил олишда муҳим аҳамият касб этади. Пуч уруғ эса ортиқча меҳнат ва харажат демакдир. Шу боис, деҳқон ушбу жараёнга бирламчи омил сифатида эътибор қаратади.*

*Балиқчи туманидаги "Чинобод пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида ҳам баҳорги чигит экиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, пахтанинг "С 65-24", "Ан-35" навлари уруғлик чигитини туксизлантириш, саралаш, дорилаш, сифатини текшириш ишлари обитобида олиб борилаяпти. Мавсумда эса жамият томонидан вилоят деҳқонларига 541 тонна сифатли уруғлик чигит етказиб берилади.*

**СУРАТДА: корхона марказий уруғчилик лабораторияси ходими Муяссар Умарова.**

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

ДУНЁ ОАВ:

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ ДЕМОКРАТИЯНИНГ БАРЧА МЕЪЁРЛАРИГА ТЎЛА МУВОФИҚ РАВИШДА ЎТДИ

*Жаҳоннинг етакчи халқаро ахборот агентликлари, матбуот нашрлари ва телерадиокомпаниялари мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари натижаларини кенг шарҳлашда давом этмоқда.*

*Хорижий мамлакатларнинг ОАВ Ўзбекистондаги Президент сайловларини бир овоздан мамлакатнинг узоқ истиқболдаги олға тараққиётини белгилаб берадиган ўзбек жамиятидаги муҳим сиёсий воқеа, деб баҳолашмоқда. Улар Президент сайловлари натижаларини шарҳлар экан, сайловнинг очиқ ва ошкора тарзда ўтгани, шунингдек, сайлов кампанияси яхши ташкил этилганини таъкидлашаётир. Булардан ташқари, чет эл оммавий ахборот воситаларида сайловлар юзасидан хорижий кузатувчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва баҳолар ҳам кенг ёритилмоқда.*

**Малайзиянинг «Бернама» миллий ахборот агентлиги** Ўзбекистондаги Президент сайловлари демократия ва ошкоралик асосида ўтганига баҳо берган малайзиялик кузатувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тарқатди.

**Малайзия сайлов комиссияси раҳбарининг ўринбосари Ван Аҳмад Ван Умар** таъкидлаганидек, сайлов жараёнлари боришини холис кузатиб боришлари учун халқаро кузатувчиларга сайлов участкаларини тўласинча эркин танлаш имконияти берилди.

«Кузатувчиларга юқори малакали таржимонлар бириктирилдики, бу сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш ва батафсил маълумот олишнинг имконини берди. Сайловлар Ўзбекистондаги барча сайлов участкаларида сайловлар куни ўрнатилган овоз бериш қутиси каби шаффоф тарзда, қонунга қатъий риоя этилган ҳолда ўтди. Ҳозир биз айнан шундай овоз бериш қутиларидан Малайзияда ўтажак 12-умумий сайловлар вақтида илк маротаба фойдаланишни режалаштираяпмиз», дейди Ван Аҳмад Ван Умар.

**Малайзиялик яна бир кузатувчи С. Рао Радхакришнан** билдирган фикрларга қараганда, «сайлов куни таш-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бола (болалар)** — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

**боланинг қонуний вакиллари** — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

**васийлик ва ҳомийлик** — ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

**етим бола** — отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

**жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола** — ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;

**ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар** — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан:

ногирон болалар;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар;

етим болалар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;

кам таъминланган оилалардаги болалар;

жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;

зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар;

**ногирон бола** — жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;

**ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар** — қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар);

**ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола** — ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

**4-модда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати**

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;

боланинг камситилишига йўл қўймаслик;

боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш;

болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш;

боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш;

болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик қилиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш.

**5-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз вазифалари доирасида қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Марказий Осиё минтақавий транспорт йўлагининг бир қисми ҳисобланган асосий автомагистрални ривожлантириш учун Ўзбекистонга 75,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.***

## АВТОМАГИСТРАЛЬ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган "2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарорида жаҳон транспорт тизимига самарали интеграциялашиш учун МДҲ ва Европа мамлакатларига чиқишни таъминлайдиган шимолий ва шимоли-ғарбий, Форс кўрфази ҳамда Қора денгиз бандаргоҳларига олиб борадиган жануби-ғарбий ва жанубий йўналишдаги автойўлларни босқичма-босқич барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш кўзда тутилган.

ОТБнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, лойиҳа давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилмоқда. Ажратилган маблағ А-380 автомагистралининг шимолда Ўзбекистон чегарасини Қозоғистон, жанубда Афғонистон ва Туркманистон билан боғлайдиган, узунлиги 1200 километрга тенг иккита участкасини ривожлантиришга йўналтирилади.

Автомагистрални ривожлантириш ва йўл тармоғи имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 173,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Реконструкция қилинадиган йўлнинг узунлиги 40 километрлик биринчи участкаси Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида жойлашган. Узунлиги 91 километрни ташкил этадиган иккинчи участка Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ва Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидан ўтади. Қурилиш ишларини бажарувчиларни аниқлаш учун халқаро танлов савдоларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Маблағларнинг бир қисмидан автойўл тармоғи муассаса ва ташкилотлари салоҳиятини кучайтириш орқали мамлакатимиз автомобиль йўллари тармоғини бошқариш ва техник жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, режалаштириш ва молиявий бошқарувни яхшилаш, шунингдек, йўл-қурилиш ускуналарини харид қилиш учун фойдаланилади.

Ушбу автомагистраль мамлакатимизнинг ва бутун Марказий Осиёнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Унинг модернизация қилиниши йўлда юриш вақтини ва транспорт харажатларини тежайди.

**В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

## ФЕРМЕР СТИПЕНДИЯСИ

Шовот туманидаги «Уста Матсафо» фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Ўдабоев ўзи истиқомат қилаётган Бешмерган қишлоғидаги 33-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун стипендия жорий этди. Мазкур стипендия ҳар чоракда мактаб педагогик кенгаши қарорига мувофиқ, 4 нафар аълочи ўқувчига бериб борилади.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Бухоро шаҳрининг «Пиридастгир» кўчасида ёш оилаларга мўлжалланган тўрт қаватли замонавий тураржой биноси қад ростламоқда.***

## Ёш оилаларга — «Камолот» уйлари

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, қурилаётган ушбу бинонинг ташаббускори ёшларнинг ўзлари, аниқроғи, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлди. 64 та оилага мўлжалланган мазкур объектни «Мир Кулол» хусусий қурилиш трести бинокорлари бунёд этишаяпти. Наврўз арафасида фойдаланишга топширилиши кутилаётган янги уй ёш оилаларга имтиёзли кредитга берилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎСИШ — ИККИ ЯРИМ БАРОБАР

Наманган шаҳридаги йигирма олти турда нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаётган «Мўъжиза-Н» масъулияти чекланган жамиятда 2007 йил ишлаб чиқариш суръати 242 фоиз ўсиш билан якунланди. Корхонада ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш ўз самарасини кўрсатди. Бу қўшимча равишда 50 кишини ишга жалб этиш имконини берди.

Айни паллада корхона цехларини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилган. Мазкур тадбир ниҳоясига етказилгач, ишловчилар сони яна 50 нафарга ортиб, ойлик маҳсулот миқдори 30 тоннага кўпаяди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир тадбирларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

давлатга қарашли болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва нодавлат болалар муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш чора-тадбирларини кўриш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ҳамда халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалаш;

ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг, ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкин.

**6-модда. Бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин.

**2-боб. Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари**

**7-модда. Бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади.

Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**8-модда. Боланинг яшаш ҳуқуқи кафолатлари**

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади.

**9-модда. Боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола туғилган пайтдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқига, шунингдек уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга.

**10-модда. Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар жойи дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола ўз шаъни ва қадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Бола қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, ҳибсга олиниши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг барча шаклларидан, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шаҳвоний шилқимликлардан, жиноий фаолиятга, фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этилишдан ҳимоя қилишни амалга оширади.

**11-модда. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилишлари шарт. Шундай маълумотлар олинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

**12-модда. Болаларни тарбиялаётган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлат болаларни тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлашни кафолатлайди, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

**13-модда. Боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Экстремал вазиятларга (ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қамоққа олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) тушиб қолган бола ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

**14-модда. Боланинг ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ғайриқонуний кўчирилишдан ва чет элдан қайтарилмасликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг чет элга сафарлари фақат ота ва онанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Ушбу масала бўйича ота ва она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилик суд томонидан ҳал қилинади.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар боланинг йўқолганлиги ҳақида тегишли органларга дарҳол хабар беришлари шарт.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигида бўлмаган болалар уларнинг ёнига кафолатли қайтарилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари чет элда қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз турган болаларнинг – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади ва уларнинг қайтарилиши бўйича чоралар кўради. Ота-онаси бедарак йўқолган деб топилган ёки улар вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи ана шу болаларни оилага, бундай имконият бўлмаганда эса етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасаларга жойлаштириш чораларини кўради.

Қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз чет элда турган болаларни қайтариш масалалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ давлат ижро этиш мақсадлари, шакллари ва усулларидан қатъи назар, болаларни ғайриқонуний кўчиришнинг олдини олиш, шунингдек уларни доимий яшайдиган мамлакатига қайтариш чораларини кўради.

**15-модда. Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари**

Оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳақлидир.

**16-модда. Боланинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, қонунда назарда тутилган чеклашлар бундан мустасно.

Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланади.

**17-модда. Боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи кафолатлари**

Бола фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Боланинг фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги қонунда белгиланган тартибда чекланиши мумкин.

**18-модда. Боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир.

**19-модда. Боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари**

Ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

**20-модда. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун – улар ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.

**21-модда. Боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғи ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуққа эга.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўз қобилиятлари ҳамда имкониятларига мувофиқ боланинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун зарур турмуш шароитини таъминлайди.

Болалар соғломлаштириш, спорт, ижодий ташкилотлари ҳамда дам олишни ва бўш вақтни уюштирувчи бошқа ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари томонидан таъсис этилади ва қўллаб-қувватланади.

**22-модда. Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола соғлиғини сақлаш ҳуқуқига эга.

Давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратади.

Давлат болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди.

Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи давлат томонидан қуйидаги йўллар билан таъминланади:

малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш;

боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикаси;

болалар ва ўсмирларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш;

талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш;

боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиғи ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш;

касбга яроқлиликни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш;

санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш;

соғлиғининг ҳолати тўғрисида бола учун қулай бўлган тарзда зарур ахборотни тақдим этиш.

Ўн тўрт ёшдан катта ёшдаги бола маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Бола билан унинг ҳаётига, соғлиғи ва нормал ривожланишига зиён етказувчи ҳар қандай илмий тажриба ёки бошқа экспериментлар ўтказиш тақиқланади.

Давлат махсус чекловларни жорий этиш ва махсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани алкоголга мойилликдан, чекишдан, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддалар ва интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради.

**23-модда. Боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек ўрта махсус касб-ҳунар таълими олишини кафолатлайди.

**3-боб. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари**

**24-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охирги чорадир.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари қуйидагилардир:

васийлик ва ҳомийликни белгилаш;

болани фарзандликка олиш;

оилага тарбияга олиш (патронат);

ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**25-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади.

Ногиронлик белгиланган пайтдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**26-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари**

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

**27-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш миқдори, шартлари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳомийлик дастурларини қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантиради.

**28-модда. Ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари**

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамини, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишни ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади.

Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби, уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланишлари мумкин.

**29-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари**

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

**30-модда. Низоларни ҳал этиш**

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**31-модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 январь
№ ЎРҚ — 139

(Давоми. Боши 1-бетда).

килотчилар томонидан кекса кишиларга кўрсатилган ҳурмат ва эътибор, улар учун яратилган махсус қулай шарт-шароитлар, жумладан, сайлов участкасидан овоз қутиси билан тезкор гуруҳнинг жўнатилгани менда чуқур таассурот қолдирди. Бу ҳар томонлама таҳсинга лойиқдир. Биз Малайзияда сайлов чоғида ана шундай тажрибани қўллашимиз зарурлигига ишонаман».

С. Рао Радхакришнаннинг алоҳида таъкидлашича, умумжаҳон сайлов тажрибаси меъёрларига тўла жавоб берувчи мазкур сайлов барча шарт-шароитлар яратилгани ҳолда, фуқароларнинг эркин хоҳиш-иродасини тўлиқ намоён этиш имконини берди.

«Ўзбекистондаги сайловлар жуда малакали, очиқ ва демократик тарзда ўтказилди», деди малайзиялик кузатувчи.

Ўзбекистондаги Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган **мисрлик таниқли журналист Муҳаммад Салома** нуфузли «Шаъб Миср» («Миср Халқи») газетаси саҳифаларида «Миср Халқи» газетаси Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиб борди» сарлавҳаси остидаги мақолани чоп этди.

номли университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби эксперти Санжай Кумар Пандей, Европа Иттифоқи халқаро тадқиқотлар институтининг директори Ирнерио Семинаторе ва бошқалар ушбу сайлов якунлари бўйича ўзларининг холис баҳоларини билдиришган.

Тошкент, Наманган ва Андижон вилоятларидаги сайлов участкаларида кузатувчи сифатида иштирок этган **«Осиё цивилизациялар жамияти» (Покистон) президенти Зулфиқор Али Қурайший** билдирган фикрларга қараганда, у сайлов жараёнида қонунларга қатъий риоя этилганининг гувоҳи бўлган. У таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг сайлов тизими халқаро андозаларга мувофиқдир, Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва фаровонликка ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан олдинга дадил қадамларни ташламоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари халқ фаровонлиги даражасининг янада ошишида, фуқароларнинг эркин хоҳиш-иродасида ўз ифодасини топмоқда.

**«Atlas alternatif» интернет-нашрининг ижодий ходими, француз таниқли журналист Фредерик Делорк**нинг ёзишича, «Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайлов натижалари республика халқининг мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ҳамда республика раҳбарияти томонидан мустақиллик йиллари давомида ўтказиб келинаётган, аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун овоз берганини намойиш этди».

## ДУНЁ ОАВ:

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ ДЕМОКРАТИЯНИНГ БАРЧА МЕЪЁРЛАРИГА ТЎЛА МУВОФИҚ РАВИШДА ЎТДИ

Муаллиф Ўзбекистонда ўтган президентлик сайловида иштирок этган 300 нафарга яқин халқаро кузатувчилардан 6 нафари Миср Араб Республикаси вакиллари бўлганини таъкидлайди. «Қишнинг совуқ кунлари бўлишига қарамай, эрта тонгданоқ овоз бериш мақсадида сайлов участкаларига келган сайловчиларнинг фаоллиги кўриниб турди», деб ёзади у. Шу ўринда муаллиф сайлов барча халқаро демократик сайлов меъёрларига амал қилинган ҳолда ўтгани ҳамда сайлов жараёнида у ёки бу сиёсий кучлар томонидан бирон-бир тазйиқ кузатилмагани тўғрисида ҳам фикр юритади.

**Мисрнинг оммабоп «Абулхаул ад-Давлия» газетасида** эса Калюбия вилояти Савдо палатаси раҳбарининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистонда ўтган президентлик сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган **Ҳамдий Абдулайнейн**нинг «Халқаро шарҳловчининг Ўзбекистондаги Президент сайлови тўғрисидаги фикрлари» номли мақоласи эълон қилинди. Мақола муаллифининг ёзишича, сайлов тенглик, очиқ, шаффофлик ва демократия тамойиллари асосида ўтган. Сайловда қатнашган халқаро кузатувчиларнинг деярли барчаси бу фикрга қўшилмоқда.

«Мен сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин рўёбга чиқараётганига гувоҳ бўлдим. Марказий сайлов комиссияси президентликка номзодларнинг ҳар бири учун тенг шарт-шароитларни яратиб берди. Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳдан кузатувчиларнинг иштирок этгани сайловнинг халқаро ва миллий қонунчилик талабларига мувофиқ тарзда ўтганидан далолат беради.

Саудия Арабистонидаги муқаддас қадамжоларда ҳаж зиёратини амалга ошираётган беш минг нафар Ўзбекистон фуқароси учун доимий тураржойлари бўйича олдиндан овоз беришга шароит яратилгани ҳам инсон ҳуқуқлари таъминланаётганининг амалий тасдиғидир. Шунингдек, мамлакатнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналарида сайлов участкалари ташкил этилди. Шу тариқа хориж сафарида бўлган республика фуқароларига ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти яратиб берилади. Булар, шак-шубҳасиз, эътиборга сазовор жиҳатлардир».

Бўлиб ўтган сайлов мавзуси, унинг якунлари Туркия оммавий ахборот воситаларининг ҳам диққат марказида бўлмоқда. Жумладан, ушбу мамлакатда чоп этиладиган «TIGARET» газетасида Ўзбекистондаги Президент сайлови жараёнларини кузатиб борган **Ғозий Давлат университети халқаро муносабатлар факультети ўқитувчилари кенгашининг аъзоси, доктор Меҳмет Эрол**нинг шу ҳақдаги мақоласи босилиб чиқди.

Ислом Каримовнинг сайловлардаги мутлақ ғалабаси ҳақида тўхталар экан, туркиялик эксперт «шу тариқа Ўзбекистон халқи хавфсизлик, барқарорлик ва мамлакатнинг буюк келажаги учун овоз берди», дея ўз фикрига хулоса ясайди. Шу муносабат билан у «Ўзбекистон Марказий Осиёдаги муҳим мамлакатдир, бу минтақадаги барқарорлик, кўп жиҳатдан, Ислом Каримов амалга ошираётган муваффақиятли сиёсатга боғлиқ» эканини таъкидлайди.

**Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетасида** мазкур сайловларда иштирок этган кўплаб халқаро кузатувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари чоп этилган. Жумладан, Франциядаги Париж университети профессори Жан Баррат, Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати Ким Юн Сик, Индонезия парламенти депутати Мустафо Камол, Америкадаги Жон Хопкинс университети Марказий Осиё ва Кавказ институтининг тадқиқотчиси Офтоб Қози, Вашингтон пресс-клубининг вице-президенти Питер Хикмэн, Ҳиндистондаги Жавоҳарлаъл Неру

«Барқарор иқтисодий ўсиш, энергетика ва озиқ-овқатнинг етарлилиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларини босқичма-босқич либераллаштириш суверен демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш юзасидан мамлакат ўзи танлаган йўлнинг тўғри эканлигидан далолат беради. Шунинг учун мен Президент Ислом Каримов аҳолининг жуда кўпчилиги ишончини яна қозонганига ажабланганим йўқ, чунки аҳоли ислоҳотларнинг ижобий натижаларини аниқ-равшан кўриб турибди ва улар эртанги кунга ишонч билан қарашмоқда», деб ёзади Ф. Делорка.

**Италияда нашр этиладиган нуфузли «Форум» ҳафталик журналининг бош муҳаррири Габриэл Ратини** қайд этганидек, «Ўзбекистон ҳукумати, айниқса, тўқимачилик тармоғи ҳамда автомобилсозлик соҳасига кенг кўламли сармояларни жалб этгани ҳолда, замонавий инфратузилмани яратиш учун катта маблағларни сарфламоқдаки, бу ҳам мамлакатнинг ўзига тўқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади». Италиялик эксперт Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган салмоқли муваффақиятлари ҳақида тўхталар экан, ўзбек жамияти ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳалари ислоҳотида Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси бебаҳо эканини таъкидлайди.

Ўз фикрларини якунлар экан, Г. Ратини Ўзбекистон Президенти сайловларида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган италиялик таниқли ҳуқуқшунос Витторио Жоржнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «сайлов жараёнига четдан бирон-бир аралашувлар кузатилмагани ҳолда, сайловлар барча халқаро демократик меъёрларга тўла мувофиқ равишда кечди».

**Россияда чоп этиладиган «Трибуна» ҳафтаномаси саҳифасида мазкур нашр махсус иловаси — «ТЭК России»нинг катта муҳаррири Рустем Тэл** ўзининг мамлакатимиздаги Президент сайловлари натижаларига бағишланган мақоласи билан чиқди. Мақола муаллифининг ёзишича, у россиялик халқаро кузатувчилар сафида сайловларда қатнашиб, республика пойтахтидаги қатор сайлов участкаларига боргани чоғида сайловчиларнинг жуда фаол бўлгани ҳамда уларнинг шаффоф ва демократия тамойиллари асосида ўтганига шахсан гувоҳ бўлди. Шу ўринда муаллиф Тошкент шаҳридаги 44-сайлов участкасида овоз қутиларининг очилиши, овозларни санаш ҳамда сайлов комиссиясининг протокол тузиши жараёнларини муфассал қаламга оладики, мазкур сайлов участкасидаги сайловчиларнинг мутлақ кўпчилиги амалдаги Президент Ислом Каримов номзодини ёқлаб овоз беришди.

Мақолада, шунингдек, россиялик кузатувчи, И. М. Губкин номли Москва давлат нефть ва газ университетининг ректори Альберт Владимировнинг сайлов участкаларидан бирида овозларни санаш жараёни ниҳоясига етганидан сўнг баён этган қуйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам келтирилади: «Дарҳақиқат, мутлақ кўпчилик сайловчилар Ислом Каримовни ёқлаб овоз беришганига амин бўлдим. Демократия меъёрларига ва халқаро андозаларга мувофиқлик сайловчиларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини таъминлади».

**«Жаҳон» АА.**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# КУРСАНТЛАР ҲУЗУРИДА

***Мамлакатимизда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 16 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни олдидан оммавий ватанпарварлик ойлиги тадбирлари давом этмоқда.***

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳарбий қисмлар ва ўқув муассасаларида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлиб ўтган ана шундай учрашувга ўқувчи ва талабалар, ёшлар вакиллари, ота-оналар ва ҳарбийлар таклиф этилди. Улар дастлаб билим юртида олиб борилаётган назарий ва амалий машғулотлар жараёни билан танишдилар. Учрашувда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва уларнинг амалий аҳамияти хусусида сўз юритилди.

— Вилоятдаги ҳарбий қисмлар, сержантлар тайёрлаш мактаби, «Ватанпарвар» ташкилоти тасарруфидаги автомобиль мактабларида бўлдик, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Шавкат Жониқулов. — Тадбирлар чоғида ҳарбийлар ва курсантларнинг яшаши, билим олиши, кўникма ҳамда малакасини ошириш учун яратилган шарт-шароит, қулайлик ва имкониятлардан мамнун бўлдик.

# ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Тошкент вилоятида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 16 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий ватанпарварлик тадбирлари ўтказилмоқда.***

Жойларда бўлиб ўтаётган ана шундай учрашув, семинар ва суҳбатларда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳияти, бугунги кунда Ватанимизнинг хавфсизлиги Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланаётгани, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун нафақат конституциявий бурч, балки том маънодаги шон-шараф ишига айлангани фахр билан қайд этилмоқда.

Бўстонлиқ тумани мудофаа ишлари ва халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иштирок этган ўқувчи ва талабаларга Ватан ҳимояси нақадар муқаддас бурч эканлиги, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳар бир йигит учун шарафли вазифа экани ҳақида сўз борди. Тадбир иштирокчилари Қуролли Кучларимиз ҳаётини акс эттирувчи фотокўргазма билан танишишди.

Янгийўл тиббиёт коллежида давлатимиз раҳбарининг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" рисоласи асосида давра суҳбати ўтказилди. Унда иштирок этган бўлажак тиббиёт ходимлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди. Чирчиқ шаҳрида ёзувчи ва шоирлар билан бўлган учрашувда эса Ватанни мадҳ этувчи янги шеърлар ўқилди. Куй-қўшиқлар рақсларга уланиб кетди.

Йигит-қизларни она-Ватанга садоқатли фарзандлар этиб тарбиялашга хизмат қиладиган бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# МУҲАНДИСНИНГ МЎЙҚАЛАМИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Халқаро Маданият карвонсаройи ҳамкорлигида рассом Қудрат Дўстмуҳаммаднинг "Ҳайрат" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.***

**Кўргазма**

Қизиғи шундаки, илк бор асарлари тақдим этилаётган мусаввирнинг асл касби бу соҳадан тамоман йироқ. Рассом болалигидан санъатга меҳр қўйган бўлсада, тақдир тақозоси билан муҳандислик йўналишида таълим олди. Айни пайтда у Тошкент автомобиль йўллар институтида ёшларга таълим бермоқда. Ёзувчи, олим, публицист, илмий-фантастик ҳикоялар муаллифи сифатида танилган Қудрат Дўстмуҳаммад умрининг айни етуклик палласида ўзининг яна бир қиррасини намоён этди.

— Олтмиш етти ёшимда шахсий кўргазма ўтказиш ҳеч хаёлимга келмаганди, — дейди рассом. — Қалб хоҳишини аввалдан англаб бўлмас экан. Бундан етти йил аввал юрагим безовта қилиб, дарддан қийналдим. Ана шундай кунларнинг бирида ёшликдаги иштиёқим эсимга тушди-ю, қўлга қалам олиб, расм сола бошладим. Шу-шу, дардни ҳам унутдим, юрак хасталиги бошқа безовта қилмай қўйди...

Гарчанд, ижодкор рассомлик бўйича махсус таълим олмаган бўлса-да, унинг асарларида тажрибали мўйқалам усталари услубидан қолишмайдиган жиҳатлар талайгина. Ранглар уйғунлиги, асарлардаги фикрий теранлик, халқчиллик каби унсурлар киши эътиборини тортади. Айниқса, "Туябўғизда куз", "Сизнинг жойингиз", "Паркент", "Аския", "Ҳайрат" сингари асарлар шулар сирасидандир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Яширинча ер ости йўли

Мисрлик чегарачилар Ғазо секторига яширинча қурол олиб ўтиш учун фойдаланилган бешта ер ости йўлини топишди. «AFP» хабарида айтилишича, кучли ёмғирлардан сўнг ернинг кўчиб тушиши натижасида бу ер ости йўллари очилиб қолган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг ноябрь ойи охирида Миср хавфсизлик кучлари Рафаҳ шаҳри яқинида кўп миқдорда портловчи модда сақланаётган омборни ҳам топишган эди. 2007 йил давомида Миср хавфсизлик хизмати ходимлари фаластинлик қўпорувчилар яшириб қўйган 200 тоннага яқин портловчи моддани топишга муваффақ бўлишди.

### Катта сармоя таклиф қилмоқда



«Газпром» Нигерияга катта сармоя таклиф қилмоқда. Бунинг учун Нигерия ҳукумати «Газпром»га мамлакатдаги йирик газ конларини ўзлаштиришга рухсат бериши керак. «The Financial Times» газетаси мухбирининг хабарида айтилишича, россиялик газчилар америкалик, хитойлик ва ҳиндистонликларга қараганда кўпроқ сармоя киритмоқчи.

«Газпром»нинг махсус вакили Илья Кочеврин ҳақиқатан ҳам шундай ҳаракатлар бўлаётганини таъкидлади. Ҳозир Нигерияда кўплаб ғарб компаниялари фаолият кўрсатаяпти. Лекин улар асосан нефть қазиб олиш билан банд.

### Рўйхат ўғирланди

Лондонда номаълум киши томонидан пойтахтдаги 73 та полиция пунктига кирадиган кодлар рўйхати ўғирлаб кетилган. «The Daily Mail»да ёзилишича, рўйхат машиналарга хизмат кўрсатадиган хусусий фирма вакилининг автомобилида бўлган. Мазкур фирма шартнома асосида Лондон полициясига хизмат кўрсатаётган эди.

Кодлар рўйхати йўқолгани аниқ бўлгач, бир соат ичида барча полиция участкалари коди ўзгартирилди.

### Қўриқхонадаги топилмалар



Коста-Рикадаги «Ла-Амистад» миллий қўриқхонасида изланишлар олиб борган Буюк британиялик Алекс Манро бошчилигадаги олимлар гуруҳи 11 турдаги янги жонивор ва ўсимликларни топишди. Жумладан, олимлар тимсоҳларнинг янги уч, қурбақаларнинг икки, шунингдек, гулларнинг янги турларини аниқладилар.

«Ла-Амистад» миллий қўриқхонасида 5300 турдаги жониворлар ва ўсимликлар бор. Қўриқхона ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинади.

### Дипломат чиқариб юборилди

Эрон ҳукумати немис дипломатини мамлакатдан чиқариб юборди. Бу ҳақда «IRNA» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Эрон ташқи ишлар вазирлиги вакили Муҳаммад Али Хусайнийнинг таъкидлашича, дипломат халқаро меъёрларга тўғри келмайдиган иш билан шуғулланган. Али Хусайний дипломатнинг исми шарифини айтмади.

5 январь куни Германия ташқи ишлар вазирлиги ҳам Эрондан немис дипломати чиқиб кетганини хабар қилган эди. Ахборотда унинг сабаби кўрсатилмаган.

### Грецияда зилзила



Грециянинг Пелопоннес ярим оролида кучли зилзила рўй берди. Афина геодинамика институти олимлари берган маълумотларга қараганда, ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллни ташкил этган. Ҳалок бўлганлар ва вайроналар ҳақида ҳеч қандай хабар тарқатилмади.

Зилзила маркази ярим оролнинг жануби-шарқида, Афина шаҳридан 120 километр узоқликда жойлашган. Ер силкиниши Грециядан ташқари, Италиянинг жанубида ҳам сезилди.

### Йилнинг энг яхши фильми



АҚШ кинотанқидчилар жамияти Пол Андерсоннинг «Нефть» фильмини 2007 йилнинг энг яхши фильми, деб топди. «Reuters» хабарида айтилишича, фильмнинг бош роли ижрочиси Дэниел Дэй-Льюис «энг яхши актёр», Пол Андерсон эса «энг яхши режиссёр» номинацияси ғолиби бўлди.

Мазкур фильм Эптон Синклернинг «Нефть!» («Oil!») романи асосида суратга олинган. Унда 1920 йилда нефть масаласи бўйича Оқ уйда бўлиб ўтган можаролар ҳақида ҳикоя қилинади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг
«Универсал биржа маркази» МЧЖ

**2008 йил 8 февраль куни соат 11.00 да**
**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулкларни қўймоқда:**

* 2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 22АА100 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Хундай Экус» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.***
* 2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 22АЕ100 бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган «Хундай Грейнджер XG-300» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***
* 2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 10I2121 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес Бенц 600 SEL» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.***
* 2007 йил 10 декабрдаги 2003/2-сонли ва 2007 йил 12 декабрдаги 1-357/2007-сонли ижро варақаларига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, давлат рақами 10F6090 бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 10 000 000 сўм.***
* ЖСК-1-413/04-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10Y0804 бўлган «Мерседес Бенц А-160» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 55 000 000 сўм.***
* ЖСК-1-413/04-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг автоуловлар сақлаш масканида сақланаётган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AN999 бўлган «Мерседес Бенц SL-500» русумли автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

**Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ**

**2008 йил 25 январь куни соат 11.00 да**
**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қайтадан қўймоқда:**

* Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 29 июндаги ЖСК 1-361-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 2-уйда сақланаётган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11Y5857 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси.
**Бошланғич баҳоси — 12 968 600 сўм.**

*Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.*

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

Лицензия DB001-000010.



**РЕСПУБЛИКА ҚЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2006 йил 19 сентябрдаги 1-7730-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Андижон шаҳри, Б. Маҳмудий кўчасида жойлашган 15-уй-жой, умумий қурилиш майдони 397,82 кв.м.дан иборат таркибда: А, А4-литерда яшаш уйи, А1-литерда айвон, А2, А3, А5, А6-литерларда бостирма, Б литерда ҳаммом, В литерда хожатхона, А литерда 50,40 п/м. бўлган девор.

*Бошланғич нархи — 44 993.441 сўм.*

**Ушбу мулк аукцион савдоси 2008 йил 5 февраль куни соат 11.00 да ўтказилади.**

Шунингдек, қуйидаги мулк такрорий аукцион савдосига қўйилмоқда: ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан, Андижон вилояти Избоскан тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Андижон вилояти «Куйганёр темир-бетон буюмлари» корхонасида сақланаётган, «Куйганёр темир-бетон буюмлари» корхонасига қарашли, барча ҳолатлари яхши, ишга яроқли қуйидагилар: маъмурий бино, шағал саралаш цехи биноси, нуқтали пайвандлаш цехи биноси, лаборатория биноси, компрессор биноси, 35,8 п/м 550 мм. транспортёр лента, 39,4 п/м 650 мм. транспортёр лента, 32 та ролик, 3 та 5 кВт двигатель, 7 та 7,5 кВт двигатель, 2 та 10 кВт двигатель, 1 та 15 кВт двигатель, 1 та 2,8 кВт двигатель, 7 та конвейер, «ШД-741» русумли майдалагич, «КМД-561» русумли майдалагич, «Грохот ГИЛ-42» русумли элак, классификатор, 1 та классификатор печка, 1 та қабул қилиш бункер печкаси, 30 п/м лента-800, 100 п/м лента-650, 120 та ролик 1=25, 180 та ролик 1=25, 5 та «РЦД-350» русумли редуктор, 3 та «РМ-500» русумли редуктор, 4 та етакчи (ведущий) барабан Ь-750, 3 та етакчи барабан Ь-1200, 7 та етакчи барабан, 1 та «ШД-741» русумли майдалагич (дробилка), 1 та «КМД-561» русумли конус майдалагич, 1 та «Грохот ГИЛ-42» ва 1 та «С-130» русумли бульдозер.

*Бошланғич нархи — 183 900 000 сўм.*

**Аукцион савдоси 2008 йил 22 январь куни соат 11.00 да ўтказилади.**

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу мулклар сотилиши тўғрисидаги эълон «Андижоннома» газетасининг 2008 йил 1 январдаги 1-сонида чоп этилган.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8374) 224-48-53, 224-37-86.**

Лицензия: DB 001 № 000004.



**«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI»**

**сизларни 2008 йил 12, 19, 26 февраль ва 4 март кунлари соат 14.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади.**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Farangiz-savdo» МЧЖга тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзе, 39-уйда жойлашган 9 қаватли ётоқхона биноси бошланғич баҳоси 623 417 558 сўм миқдорда очиқ аукцион савдоларига қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Munitsipal auksion markazi»нинг АИТБ «Ипак йўли», МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй.**
**Телефонлар: 144-88-04, 144-88-03.** Гувоҳнома № 001568-09.



***Ўзбекистон Респувбликаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 26 декабрдаги 263-сонли буйруғига асосан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Ихтисослашган олий бизнес мактаби фаолияти тугатилади. Кредиторлар томонидан талаблар 2 ой давомида қабул қилинади.***
**Маълумот учун телефонлар: 132-63-42, 245-85-96.**



**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«Ўзбекэнерго» ДАК**

**электр энергиясининг барча истеъмолчиларига, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахсларга ҳам, 2008 йил учун энергия билан таъминлашга шартномалар тузилиши зарур эканлиги тўғрисида маълум қилади.**

**Амалдаги шартномалар муддати узайтирилмайди.**

**Шартномани тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилиши зарур.**

***Шартномалар қуйидаги шартлар бажарилганда тузилади:***

— ***ҳисобга олинадиган ҳисоб-китоб нуқталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлса (маиший истеъмолчилардан ташқари);***

— ***2007 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлмаганда.***


# САМАРҚАНД ЛИФТЛАРИ — ХОРИЖДА

***Россиянинг «Перевест-инвест» компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган «Самарқанд лифтсозлик заводи» очиқ акциядорлик жамиятида янги туркумдаги йўловчи ва юк ташиш лифтлари ишлаб чиқарилмоқда.***

**Экспорт**

Мазкур йирик саноат корхонаси беш йил мобайнида 7 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиб, заводни замонавий технологиялар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш вазифаларини зиммасига олган. Ҳозиргача эса «Перевест-инвест»нинг 2,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармояси ҳисобига бинолар реконструкция қилинди. 3 турдаги йўловчи ва 7 турдаги юк ташиш лифтлари тайёрлана бошланди. 420 нафар маҳаллий ишчи доимий иш билан таъминланди.

Ўтган йил охиригача лифтсозлар 300 та лифт ишлаб чиқаришни режалаштиришган эди. 2012 йилда корхонада камида 5 мингта лифт тайёрланади, ишчилар ўрни 1000 нафарга етказилади.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган лифтларнинг асосий бутловчи қисмлари Россия ва Украина давлатларидан келтирилаяпти. Шу билан биргаликда, маҳаллийлаштириш дастурига асосан, вилоятдаги 20 га яқин корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бултур май ойида Москвада ўтказилган «Лифтэкспо-2007» халқаро кўргазмасида Самарқанд лифтларига юқори баҳо берилган эди. Шу боис, чет эллик буюртмачилар сони ошиб бораяпти. Корхона мутахассисларининг эътирофича, 2008 йилда экспорт ҳажми 3,5 миллион АҚШ долларига етказилади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

**И**нсон ҳамиша ўзининг эзгу ишлари ва фазилатлари билан ҳурмат, эътибор қозонади. Азалдан саховатпеша халқимиз муҳтожларга кўмак бериш, кўнгли яримларга меҳр-мурувват кўрсатишга интилиб келган. Зеро, истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш давлат ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бирига айлангани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ходимлари Ёшлар йилини ана шундай эзгу ният, меҳр-оқибатни тарғиб этувчи тадбирлар билан бошлашди. Академияда ташкиллаштирилган хайрия тадбири Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига чинакам байрам қувончини ҳадя этди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник А. Якубов, кафедра бошлиғи И. Исмоилов сўз олиб, уларни айём билан қутлашди. Болажонлар куй-қўшиқ, рақс ва кўргазмали спорт машқларидан завқ олиш билан бирга Академиянинг шарт-шароитлари ва ибратли, беғубор экологик муҳити билан яқиндан танишдилар.

**Саховат**

— Академиямиз ўқитувчилари ва тингловчилари ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни voяга етказиш ишларига ҳисса қўшиш учун бел боғлашган, — дейди Жиноятларнинг олдини олиш кафедраси ўқитувчиси, лейтенант Сиёвуш Хўжақулов. — Ўтказилаётган тадбирлар болаларимизда жасур ва қатъиятли офицерларга нисбатан ҳавас ҳиссини уйғотса, улар қалбида Ватанга садоқат, юртпарварлик, мардлик туйғулари жўш урса, ниятга етган бўламиз. Яқинда академия тингловчилари Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи атрофини кўкаламзорлаштириш, экологик муҳитини яхшилаш мақсадида юздан ортиқ игна баргли кўчатлар экишганди. Бу галги тадбир ҳам анъанага айланиб қолган шу каби саховат тадбирларининг узвий давомидир.

Байрам дастури доирасида Меҳрибонлик уйи кутубхонасига ИИВ Академиясида чоп этилган адабиётлар тақдим этилди. Болажонларга турли совға-саломлар улашилгани эса улар қувончига қувонч қўшди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Янги тиббий ускуналар

Наманган шаҳридаги 1-поликлиника шифокорлари «Медсон-300» видеомикроскопидан фойдалана бошладилар. Янги ускунанинг афзаллиги шундаки, текширилаётган қон ёки бошқа модданинг ҳолати каттагина мониторда намоён бўлади. Бу эса тасвирни дискка ёзиб олиш, уни қайта ишлаш, шунингдек, интернет орқали зарур жойга узатиш имконини беради.

Ташхис аниқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган ушбу видеомикроскоп Намангандаги тиббиёт ва косметология илмий ишлаб чиқариш-даволаш марказида йиғилмоқда. Марказ мутахассислари, бир неча йилдирки, валюта ҳисобига хориждан келтирилаётган тиббий ускуналарни ўзимизда йиғиш билан шуғулланишмоқда. Улар орасида ультра тўлқинли ташхис аппаратининг сканери ва бошқа 20 турдаги электрон жиҳозлар бор. Ҳозирга қадар Андижон, Қарши, Тошкент шаҳридаги қатор тиббий муассасаларга 22 та видеомикроскоп етказиб берилди.

— Марказимизда 20 нафар тиббий ва техник-муҳандис ходимлар меҳнат қилади, — дейди директор Шарофиддин Эргашев. — Куни кеча янги кўринишдаги автоматлашган косметологик иш ўрнининг тажриба нусхасини яратдик. У бир йўла йигирма хил вазифани бажара олиши билан мижозга ҳам, мутахассисга ҳам катта қулайлик яратади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт

*Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) 2007 йил якунлари бўйича миллий чемпионатлар рейтингини эълон қилди.*

## КУЧЛИЛАР САФИДА





*Унга кўра, Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси рўйхатда 46-бўлиб қайд этилди. Чемпионатимиз Осиёда Япония (28), Иордания (34) ва Эрон (42) чемпионатларидан сўнг тўртинчи ўриндан жой олган. МДҲ мамлакатлари ичида эса, Россия (13) ва Украина (14) чемпионатларидан сўнг учинчи ўринда бормоқда.*

*Умумий рўйхатда Англия премьер-лигаси етакчилик қилмоқда. Испания "премеро"си иккинчи, Италия "А" серияси эса учинчи ўринни эгаллаб турибди.*

*Луиза Чагаева:*

## УКАМНИНГ ҒАЛАБАСИГА ИШОНАМАН

***Аввал хабар берганимиздек, "Спорт" газетаси ташаббуси билан шу соҳада фаолият кўрсатадиган журналистлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиладиган "Йилнинг энг яхши спортчиси, мураббийи, жамоаси, ҳомийси" номинациялари бўйича сўровнома якунланди.***



Газетамизнинг ўтган сонларида сўровнома ғолибларини эълон қилган эдик. Яқинда пойтахтимизда уларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шундай қилиб "Йилнинг энг яхши спортчиси" номинациясига ўтган йили профессионал бокснинг ўта оғир вазни — WBA (Жаҳон бокс уюшмаси) йўналиши бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Руслан Чагаев муносиб топилганди. Айни пайтда ҳамюртимиз 19 январь куни ўзининг чемпионлик камарини ҳимоя қилишга тайёргарлик кўраётганлиги сабабли, мукофотни опаси Луиза Чагаева қабул қилиб олди.

— "Спорт" газетаси таҳририяти сўровномасида кўпчилик журналистлар Русланга овоз берганлигини айтганимда укам жуда хурсанд бўлиб кетди, — дейди Л. Чагаева. — У ҳозир Польшада британиялик Мэтт Скелтонга қарши жангга қизғин тайёргарлик кўраяпти. Менга сўровнома ташкилотчилари, унга овоз берган қалам аҳли ва барча юртдошларимизга самимий миннатдорчилигини етказиб қўйишимни айтди. Албатта, чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилишга ваъда берди. Барча қатори мен ҳам укамга омад тилайман.

Шунингдек, "Йилнинг энг яхши мураббийси" номинациясида ғолиб чиққан футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Рауф Инилеев, "Энг яхши терма жамоа" номинацияси ғолиби, ногирон-ампутантлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси ва "Энг яхши ҳомий" номинациясида кўп овоз тўплаган "Олимжон Акбаров" футбол жамоаси раҳбариятига ҳам диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

## ЁШ ХОККЕЙЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

*Канадалик ёш хоккейчилар куни кеча якунланган жаҳон чемпионати финалида Швеция жамоасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди. Бу Канада ёшларининг жаҳон чемпионатидаги кетма-кет тўртинчи ғалабасидир, деб хабар беради АР.*

*Бронза медали АҚШ терма жамоасини 4:2 ҳисобида енгган Россия хоккейчиларига насиб этди.*

***Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

Спорт • Sport • Спорт


POWERED BY
ISUZU
ЭНДИ ЛИЗИНГ ГА
O'ZAVTOSANOAT
LEASING





(371) 267 40 18, 267 41 18
Маҳсулот сертификатланган
1835Н/2208

Кўкаламзорлаштириш
КЎЧАТХОНА
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

манзарали, игнабаргли, япроқли дарахт ва буталар — қарағайлар, арчалар, қора арча, туя дарахтлари, юккалар, каштанлар, толлар, шамшод, бересклет, ҳинд сирени, Сурия атиргулини сотади.

Офис ва қишки боғ учун пальмалар: хурмо, трахикарпус, вашингтония.

Мева берувчи апельсин, мандарин, лимон дарахтлари.

Кўкаламзорлаштириш, ландшафт дизайни.



Манзил: 100187, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Қурбонов к., 91-уй. 16, 89-автобусларнинг «Автойўлмехбаза» бекати. Мўлжал – масжид. Телефон: 266-88-68. Уяли телефон: 317-33-45, 387-16-57.

Ноутбук AMILO Pi2530
Мобильность. Мощь. Свобода
NURON

Процессор Intel® Core™ 2Duo (1,5GHz)
Экран 15,4" WXGA Crystal View
Web-camera 1,3 Mpixel
Графический адаптер 256 MB
160GB SATA
1GB DDR2 667MHz
ПриводDVD DL+/-RW
Средства коммуникации 10/100 LAN, Modem Built-in V.92, WLAN 802.11 b/g
Звуковая система 2 динамика (2W)
Операционная система Windows Vista™ Home Basic RUS
Время работы до 2,5 часов
Гарантия от производителя 2 года
Производство Германия

2 099 000 сум.
+ПОДАРОК



Адрес: г. Ташкент, ул. Лисунова, 2. Тел.(+99871) 294-60-60
e-mail: sales@nuron.uz www.nuron.uz
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
1899Я/2321

INTER-PRESS-2008

КУРЬЕР ЧОРШАНБА КУНЛАРИ КЕЛАДИ

**Ватанимиз пойтахтида "ИНТЕР-ПРЕСС" ахборот агентлиги (АА) томонидан ноёб прецедент юзага келтирилди. "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи нашрларига обуна бўлган унинг мижозлари ўз газеталарини "Матбуот тарқатувчи" шохобчалари ва Тошкентдаги чакана савдо тармоғида пайдо бўлишидан бир кун олдин олмоқдалар.**

Янги босмадан чиққан, ҳали босмахона бўёғи қуримаган "Частный Сектор" ва "Пресстиж-ТВ" газеталарини "ИНТЕР-ПРЕСС" АА обуначилари ушбу таниқли нашрлар шаҳарда пайшанба кунидагина пайдо бўлгани ҳолда ИНТЕР-ПОЧТА курьерининг қўлидан чоршанба куни оладилар. Компания ходимларининг сўзларига қараганда, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ — буларнинг бари замонавий, автоматлаштирилган логистика ва бевосита ношир билан аниқ-пухта ҳамкорликни ўз ичига оладиган режали иш натижасидир.

Дарвоқе, "ИНТЕР-ПРЕСС" агентлигининг "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи билан ҳамкорлиги нашрни ўқувчига етказиш тезкорлигини ошириш иши билангина чекланмайди. Жорий йилдан бошлабоқ «ИНТЕР-ПРЕСС» обунаси орқали севимли газетага содиқ қолиш иқтисодий наф ҳам келтиради. 2008 йилда "ПРЕССТИЖ" журналига (рекламали) обуна нархи иккала компаниянинг саъй-ҳаракати туфайли 2007 йил даражасида сақланиб қолди, бу эса чамбарчас ва ўзаро фойдали ҳамкорликдан далолат беради. Эслатиб ўтамиз, «ИНТЕР-ПРЕСС» ахборот агентлиги Ўзбекистон бозорида етакчи ўринни эгаллаб, ўз фаолиятини замонавий ахборот ва маслаҳат сервиси сифатида олиб боради. Компаниянинг малакали мутахассислари йирик маҳаллий ва чет эл нашриёт уйлари томонидан етказиб берилаётган турли мавзудаги босма маҳсулотларини танлашда маслаҳат берадилар. Бу китоблар, даврий матбуот, шунингдек, қизиқиши турлича бўлган ўқувчиларнинг талабларига мос келадиган адабиётлардир.

INTER-PRESS ИНФОРМАЦИОННОЕ АГЕНТСТВО
КОРПОРАТИВ ОБУНА

100011, Ўзбекистон, Тошкент ш., Навоий к., 13
Тел./факслар: (998 97) 119 00 00, 144 22 21
Тел.: (998 97) 119 83 83, 155 09 55
E-mail: book@interpress.uz
Http:// www.interpress.uz
1708R/2065


# ЭЛ БОЙЛИГИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

***Олтиариқ туманининг Бўрбалиқ қишлоғи қўшни республиканинг Боткент вилоятидаги Қизиласкар қишлоғи билан қўшни. Ўртада йўл, кичик ариқ бор.***

**А**фсуски, бундай яқин қўшничиликдан шу қишлоқда истиқомат қилувчи Баҳодир Парпиев, Иззатилла Боймуллаев, Фахриддин Ҳамролиев қинғир ниятлари, нопок ишларини амалга оширишда фойдаланмоқчи бўлишди. Улар 1500 килограммдан зиёд пахтани хуфёна йўллар билан чегара яқинидаги пана жойга яшириб қўйишади.

**Афсус**

Мақсад: эрта тонгда ҳамма ширин уйқудалигида ўғирлик молни чегарадан олиб ўтишмоқчи эди. Лекин мамлакатимиз чегара қўшинлари зобитлари Т. Иномов ҳамда У. Жўраев нияти бузуқ кимсалардан ҳушёррoқ эканликларини кўрсатишди. «Уч оғайни ботирлар»нинг шум ниятлари хотимасини топди. Энди улар қилни қирқ ёрадиган терговчиларга пахтани қаердан ўмаришганию, ҳамтовоқлари кимлар бўлганлигини ҳикоя қилиб беришади.

Афсуски, шу воқеадан бир кун ўтиб, Бўрбаликқа туташ Катпут қишлоғида яна бир гуруҳ пахта ўғрилари тумшуғидан илинди. Шу қишлоқлик ака-ука Азимжон ва Обиджон Юсуповлар изғиринли тонгда «ИЖ» русумли мотоциклга миниб, қўшни Қирғизистон Республикасига йўл олишди. Уларнинг эрта тонгдаги сафарлари сирини эса ҳушёр чегарачилар очиб беришди. Мотоцикл аравачасига 500 килограмм пахта ортилган экан. Оқ пахтага қора ниятларини боғламоқчи бўлган олғирлар ўғирлик пахта-ю, мотоциклни чегара ҳудудига ташлаб қочиб қолмоқчи бўлишди. Лекин ҳушёр чегарачилар аллақачон уларнинг кимлиги, ниятлари нималигини билиб олишганди.

Афсуски, халқимизнинг ризқ-насибаси бўлган оппоқ пахтани сотиб, қора ниятларини, бузуқ нафсларини қондирмоқчи бўлган кимсаларнинг қилмишлари онда-сонда бўлса ҳам, учраб турибди. Айни пайтда қўшни республиканинг юртимизга чегарадош сарҳадларида пахтани қайта ишлайдиган мини-заводлар баҳорги қўзиқориндай кўпайиб кетаётганлиги сир эмас. Лекин бу қўлбола заводлар қайси хом ашё ҳисобига ишлайди? Бу саволга эса юқорида биз тилга олган бир ҳовуч юлғичларнинг шармандали қилмишлари жавоб бериб турибди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Ҳ. Умаровга акаси
**Сайдали УМАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси Ишлар бошқармаси бошлиғи Норқобил Чориевга синглиси
**Ойгул ЧОРИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети жамоаси кончилик иши кафедраси мудири, ЎзФА академиги, профессор В. Р. Раҳимовга укаси
**Жаббор РАҲИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси тизим ташкилоти раҳбари Виталий Расуловга отаси
**Қули РАСУЛОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6 7